

СТРУКТУРАВИЙ МЕТАФОРАЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ШАРТЛАНИШИ

Файзиева Азиза Анваровна

БухДУ, Таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси мустақил
изланувчиси

Метафора инсоннинг атрофдаги воқелик объектларини билиши, уларни кўрсатиш ва бадий тасвирларни, шунингдек, янги маъноларни яратишнинг асосий усулларида биридир.

Тил ҳодисаларини талқин қилишда антропоцентрик ва когнитив ёндашувлар метафорик кўчиш жараёнининг моҳиятини яхшироқ англашга ёрдам беради. Жумладан, Ж. Лакофф ва М. Жонсонларнинг таърифича, метафора когнитив тажрибани тизимлаштиришнинг ақлий механизми сифатида қаралади.

Метафора атрофдаги воқеликка мурожаат қилишнинг иккита муҳим соҳасига ишора қилади. Донор соҳа, метафоризация жараёнида айнан шу муҳим элемент бўлиб, унинг асосида мазмунни кўчириш амалга оширилади, яъни. Бир сўз билан концептуаллаштиришнинг манба соҳаси. Иккинчи майдон соҳа - қабул қилувчи, яъни. концептуал метафоранинг мақсадли соҳаси ҳисобланади.

Метафоранинг когнитив назарияси доирасида манба соҳаси инсон ҳаётининг амалий тажрибасини умумлаштиришдир. Манба соҳасидаги билимлар тасвир схемалари кўринишида қурилган бўлиб, улар нисбатан оддий когнитив тузилмалар сифатида инсоннинг олам билан ўзаро жисмоний таъсири жараёнида доимо такрорланади.

Объектив воқелик предметлари ва ҳодисаларини концептуаллаштиришнинг табиати ва усулларига кўра Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар концептуал метафораларни уч турга ажратадилар, улар:

а) структуравий;

б) ориентацион;

в) онтологик.

Структуравий метафоралар бир концептни иккинчи бир концепт доирасида англаш, хусусан, TIME IS MONEY (ВАҚТ – ПУЛ), LIFE IS JOURNEY (ҲАЁТ – САЁҲАТ). Мазкур метафора турини Ж.Лакофф ва М.Жонсон одатий метафоралар ҳам деб атайди. Бунда мавҳум тушунча аниқ, моддий хусусиятга эга бошқа тушунча орқали англашилади. Хусусан, вақт тушунчаси абстракт бўлгани ҳолда, унинг қиймати инсон учун ўзига аниқ бўлган пул тушунчаси ёрдамида тавсифланади, тушунилади ва тушунтирилади. Бу концептуал метафора нафақат инглиз лингвомаданиятида, балки ўзбек кишиси онгида ҳам мавжуд метафорик моделдир. Вақтинг кетди, нақдинг кетди мақоли ўзбек ҳалқи орасида кенг тарқалган.

Структуравий метафора айрим ҳолларда икки мавҳум тушунчанинг ўхшатилишидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунда манба соҳа нишон соҳадан кўра аниқроқ ёки бирмунча моддийлик акс этган бўлади. Юқоридаги *Ҳаёт - Саёҳат* концептуал метафорасида умр ҳам, саёҳат ҳам абстракт тушунчалардир, лекин саёҳат моддий кўринишдаги тушунчалар билан боғлиқлиги сабабидан ҳам инсон онгида аниқроқ тасаввур уйғота олади. Зеро, саёҳат тушунчаси инсон тасаввурида йўл, чорраҳа, бурилиш каби аниқ ҳодисаларни уйғотади.

“Life is not always perfect. Like a road, it has many bends, ups, and downs, but that’s its beauty.” — Amit Ray (таржима ўзимизники: ҳаёт ҳар доим ҳам мукамал эмас. Худди йўлга ўхшаб, унда ҳам бурилишлар, баланд-пастликлар бўлсада, унинг ўзгача чиройи бор.)

“They say life is a highway and we all travel our own roads, some good, some bad, yet each is a blessing of its own.” — Jess “Chief” Brynjulson (муаллиф таржимаси: ҳаёт ҳам мисоли катта йўл дейишади, баъзиси яхши, баъзиси ёмон йўлларда саёҳат қилсақда, ҳар бири ўзгача неъмат)

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳаётнинг йўл, бурилишлар, саёҳат қилиш каби тушунчалар билан келиши унинг Саёҳат концепти билан

бир тизимда тушунилишидан дарак беради. Худди шу ҳолатни ўзбек тилида ҳам учратишимиз мумкин:

Ҳа, умр чиндан ҳам йўл, бизлар эса — йўловчи. Бир қарасанг, бу йўлнинг адоғи йўқдай — отда чопсанг ҳам, қуш бўлиб учсанг ҳам охири кўринмайди. Бир қарасанг, йўлга отланишингга арзимайдиган масофа. (Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасидан)

Умр – йўл, қайрилиши кўп, учраиши, айрилиши кўп. (Омон Матжон)

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, ўзбек концептуал оламида ҳам умр саёҳат/йўлга қиёсланади. Бу йўлда инсонлар йўловчилардир, улар маълум манзилларга боришади. Инглиз ва ўзбек тилидаги мазкур концептуал метафорада мақсад (нишон) ва манба соҳаларда тўла мослик кўзга ташланади.

Адабиётлар:

1. Егорова О. А., Калашникова В. В. Теория концептуальной метафоры в когнитивной лингвистике. Электронный научный журнал. №10-1 (13), 2016. – С.190-194
2. Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М., 1990. – С. 387-415
3. Песина С. А., Дружинин А. С. Когнитивный и антропоцентрический подход к процессу коммуникации // Вестник Брянского государственного университета. - 2016. - № 2. - С. 161-166.
4. Файзиева, А.А., 2022. METAFORALAR TARJIMASINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 5(2).
5. Fayziyeva A. LINGUISTIC AND CONCEPTUAL PICTURES OF THE WORLD. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). 2022 Jun 2;10(10).